ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАН ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

R.Shamsutdinov, X.Mo‘minov. O‘zbekiston tarixi
(Oliy o‘quv yurtlarining notarix fakultetlari uchun o‘quv qo‘llanma).
Mas’ul muharrir S.Inoyatov. – T.: Sharq, 2013. – 672 bet.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги инсон фаолияти ва ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ижобий ўзгаришлар учун мустаҳкам пойдевор яратди. Айниқса, маънавий ҳаётни тубдан янгилаш, миллий, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихини ҳаққоний ўрганиш учун имконият яратилди ва бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланган, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этишимиз керак»[1]. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президент И.А.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш бўйича илмий марказ ташкил этилди ва 2000 йилдаёқ уч жилдлик Ўзбекистоннинг янги тарихи нашрдан чиқди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини олий ўқув юртларида ўқитиш, таълим тизимини талаб даражасидаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, бугунги кунгача олий ўқув юртлари талабалари учун Ўзбекистон тарихидан бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Р.Т.Шамсутдинов ва шу кафедра катта ўқитувчиси Х.Мўминовлар томонидан тайёрланган олий ўқув юртларининг нотарих факультетлари талабалари учун «Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмаси яқиндагина«Шарқ» нашриётида лотин имлосида нашр этилди. Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи марказ томонидан нашрга тавсия этилган. Кейинги йилларда республикамизда олий ўқув юртлари нотарих таълим йўналишлари талабалари учун Ўзбекистон тарихидан бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилганига қарамай, замон талаблари даражасидаги янги ўқув қўлланмага зарурат катта эди. Қолаверса, китобнинг лотин имлосида нашр этилиши ҳам бу борадаги камчиликни бартараф этган.

«Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва нотарих таълим йўналишлари учун тавсия этилган намунавий ўқув дастурига мувофиқ ҳолда тайёрланган. Ўқув қўлланмада мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослиги эришган муваффақиятлар, фаннинг назарий масалалари юзасидан илгари сурилган илмий-методологик тавсиялар, айниқса, Президент И.А.Каримовнинг Ватанимиз тарихига доир янгича методолик концептуал фикр ва ғоялари дастуриламал қилиб олинган ҳамда Ўзбекистоннинг энг қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар бўлган тарихидаги муҳим ва долзарб масалалар атрофлича ёритилган.

Мазкур ўқув қўлланма Р.Шамсутдинов ва Х.Мўминовлар томонидан тайёрланиб, 2010 йилда «Андижон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмасининг тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашридир. Аввалги нашр бўйича ўқувчилардан ва тарихчи мутахассислардан кўплаб ижобий фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, ўринли таклиф ва тавсиялар олинди. Билдирилган таклиф ва тавсиялар ўқув қўлланманинг янги нашрида эътиборга олинган ҳамда янги илмий маълумотлар, қўшимчалар ва методик кўрсатмалар билан бойитилган. Хусусан, ўқув қўлланмада илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида вужудга келган давлат бирлашмалари мавзуси тўлдирилган ҳолда, унга қўшимча ўлароқ, араб халифалиги томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларининг эгалланиши ва унга қарши кечган халқ ҳаракатлари, мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар масалалари ҳам атрофлича очиб берилади. Шунингдек, кейинги йилларда яратилган илмий тадқиқот ишларига аосланган ҳолда, «Авесто» китоби, зардуштийлик динининг вужудга келиши тарихи алоҳида масала сифатида кўрилган.

Китобда Буюк ипак йўли мавзуси ҳам атрофлича ёритиб берилган. Унда Ўрта Осиё ҳудудларида бундан 5-4 минг йиллар аввал вужудга келган сав-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан. //Халқ сўзи. – 2013 йил, 19 июнь.

до йўллари, хусусан, «Лаъл йўли», «Шоҳ йўли» масалаларига ҳам тўхталиб, бу йўллар заминида эрамиздан аввалги II асрларда вужудга келган Буюк ипак йўли ва унинг тарихий аҳамияти, Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни масалалари ҳам батафсил очиб берилган. Айниқса, Буюк ипак йўлининг инқирози, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бу йўлни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар, турли тармоқ йўлларини шакллантириш каби масалаларнинг ўқув қўлланмадан ўрин олганлиги ҳам унинг қимматини оширган.

Ўқув қўлланма таркибига киритилган ҳар бир мавзу аниқ режаларга ажратилган ва режалар бўйича мавзунинг умумий мазмуни қатор фактик далиллар асосида батафсил ёритилган. Айниқса, ҳар бир мавзу бўйича мавжуд илмий адабиётлар рўйхатининг тегишли боб ва бетларигача берилиши талабаларга анча қулайлик туғдирган. Ўқув қўлланмада тегишли мавзулар бўйича юздан зиёд харита ва 300 га яқин турли расмларнинг берилганлиги ҳам мавзу моҳиятини тўлақонли ёритилишига хизмат қилган. Шунингдек, ҳар бир мавзу бўйича муҳим тарихий саналар, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, давлатлар ва сулола вакиллари ҳақидаги маълумотлар ҳамда буюк тарихий сиймолар ва уларнинг фаолияти, илмий мероси, юртимиз ҳудудларида турли даврларда қад ростлаган тарихий иншоотлар, қадамжолар, уларнинг бунёд этилиш тарихи, обидаларнинг қурилиш услублари, қурдирган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг тартиб билан берилгани уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни осонлаштиради.

Қўлланма олий ўқув юртларининг нотарих факультетлари талабалари учун тайёрланган бўлса ҳам, ундан тарих таълим йўналиши талабалари, магистрантлар, тарих фани ўқитувчилари ва умуман, Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

М.Ғ.Абдуллаев,
тарих фанлари номзоди, доцент,
АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири
С.А.Ҳошимов,
тарих фанлари номзоди,
АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти